

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ЕР РЕСУРСЛАРИДАН САМАРАЛИ
ФОЙДАЛАНИШНИНГ ИЖТИМОИЙ АҲАМИЯТИ**



Султанов Б.Ф.
Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти
имлий тадқиқот институти
директори. И.ф.д. (DSc)



Сайтмуродова Н.Б.
ТИҚХММИ Қарши филиали
талаабаси

Аннотация. Мақолада бозор иқтисодиёти шароитида қишлоқ хўжалигида ер ресурсларидан самарали фойдаланишини ташкил этиш, айниқса деҳқон ва фермер хўжаликларида сугориладиган ерлардан фойдаланишини ташкил этиши масалалари кўриб чиқилган. Шу билан биргаликда қишлоқ ижтимоий ривожланишини ва аҳоли даромадларини оширишини таъминлаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириши билан боғлик масалалар баён этилган.

Калит сўзлар: Ер ресурсларидан самарали фойдаланиши, сугориладиган ерлар, деҳқон ва фермер хўжаликлари, меҳнат тақсимоти, ихтинослашув, фермер ва деҳқон хўжаликлари даромадлари.

Аннотация. В статье рассматриваются вопросы эффективного использования земельных ресурсов в сельском хозяйстве в условиях рыночной экономики, в частности, в организации использования орошаемых земель в дехканских и фермерских хозяйствах. В то же время выделяются вопросы, связанные с осуществлением мер по обеспечению социального развития сельского населения и роста доходов населения.

Ключевые слова: Эффективное использование земельных ресурсов, орошаемых земель, дехканских и фермерских хозяйства, распределение доходов, специализация, сельское хозяйство и дехканские хозяйства.

Abstract. In the article deals with the issues of efficient use of land resources in agriculture in a market economy, in particular, in organizing the use of irrigated land in dekhkan and private farms. At the same time, issues related to the implementation of measures to ensure the social development of the rural population and income growth are highlighted.

Key words: Effective use of land resources, irrigated lands, dehkan and farms, income distribution, specialization, farming and dehkan farms.

Қишлоқ хўжалигида ердан самарали фойдаланиш концепцияси ердан самарали фойдаланиш ташкилий-иктисодий механизмини шакллантиришнинг иқтисодий, экологик ва ижтимоий масалаларини ягона тизим сифатидаги таркибий жиҳатларини ўз ичига олади. Зоро, ер қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг асосий воситаси сифатида аҳолини ижтимоий фаравонлигини таъминловчи бош омил ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалигининг ўзига хос бўлган хусусиятлари шундаки, унда ижтимоий меҳнат тақсимоти бошқа тармоқларга нисбатан ўзгача номоён бўлади. Ер, ишлаб чиқариш воситалари ва ишчи

кучидан оқилона фойдаланиш деҳқончилик ва чорвачилик тармоқларини уйғун ҳолда ривожлантириш объектив заруриятга айлантиради.

Маълумки, бугунги кунда республикамизда қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер майдонлари таркибидаги энг муҳим ва катта иқтисодий ҳамда хўжалик аҳамиятига эга бўлган сугориладиган ерлар асосан деҳқон ва фермер хўжаликлари томонидан фойдаланилади.

Шунингдек, республикамизда қишлоқ хўжалиги ерларига давлат мулкчилиги сақланиб қолингани ҳолда ер майдонлари узоқ муддатли ижара (фермер хўжаликлари)

ёки меросга қолдириш хуқуқи билан умрбод фойдаланишга (дехқон хўжаликлари) хусусий мулкчилик асосида фаолият юритувчи хўжаликларга биритириб берилган. Мазкур субъектларнинг самарали фаолияти бугунги кунда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида асосий хўжалик юритувчи субъект сифатида танланиб олинишига сабаб бўлди. Чунки, дехқон ва фермер хўжаликлари ўз иқтисодий моҳияти ва хўжалик юритиш тамойиллари жиҳатидан бозор иқтисодиёти талабларига тўлиқ жавоб беради.

Мустакиллик йилларида республикамиз қишлоқларида ижтимоий масалаларни ҳал этишда дехқон ва фермер хўжаликларни ривожлантириш муҳим аҳамият касб этгани ҳолда, унинг асоси мазкур субъектларнинг ер ресурсларидан самарали фойдаланишларида ифодаланди. Хусусан,

- етмиш йил давомида шаклланган ижтимоий мулкка асосланувчи қишлоқ хўжалиги корхоналари иқтисоди, умуман иқтисодий тизим таназзулга йўл тутиши мамлакатнинг озиқ-овқат билан таъминотида узилишларга олиб келди. Ушбу муаммо бозор иқтисодиёти шароитларига тез мослашувчанлик хусусиятига эга бўлган кичик ишлаб чиқариш ва хусусий мулк устунликларини ўзида мужассам этган дехқон ва фермер хўжаликлари ҳисобига ҳал этилди ва жамият барқарорлигини таъмин этишда йирик манба бўлиб хизмат қилди.

- ҳар қандай жамиятда иқтисодий таназзул ишсизлар сони ортиши ва аҳолининг реал даромадлари микдорининг кескин камайиб кетиши билан биргаликда кечади. Бу вазият табиий ўсиш юқори бўлган ва аҳолининг аксарият қисми (60%) қишлоқларда яшайдиган республикамизда янада сезиларли бўлиши аниқ эди. Аммо республикамиз мустақилликка эришган дастлабки кунлардан бошлаб мамлакатимизда амалга оширилган ер ислоҳоти, аҳолининг шахсий томорқаларини кенгайтириш ҳисобига хусусий тармоқни ривожлантириш йўлидаги ҳукumat сиёсати вақт ўтиб тез фурсатда ўзининг ижобий

самарасини берди. Ўтиш даврида кўпроқ иқтисодий зарар кўришга мойил бўлган қишлоқ аҳолиси иш билан таъмин этилди ва томорқа ерлари ҳисобига даромадларини ошириш имкони пайдо бўлди.

- дехқон ва фермер хўжаликларни ривожлантириш нафақат дехқон оиласи фаровонлигини таъмин этди, балки дехқон ва фермер хўжаликлари товар хўжаликларига айланиб бозор учун меҳнат қилиш кўникмаларини эгаллади. Натижада республикамизнинг истеъмол бозори арzon ва сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўйиниши рўй берди.

- дехқон ва фермер хўжаликларининг ривож топиши рақобатбардош, сифатли қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришни кўпайтиради ва ушбу маҳсулотни экспорт қилиш имконияти туғилади. Бу борада ҳукumat қарорлари қабул қилиниши мамлакатимизнинг экспорт салоҳиятини ошириб, валюта тушумини таъмин этди.

- дехқон ва фермер хўжаликлари ривожланиши қишлоқ оиласлари даромадлари ошишибиланбиргаликда, оилафарзандларини меҳнатга ҳурмат, тадбиркорлик, тежамкорлик руҳида тарбиялашга муҳит яратди. Янги ўсиб келувчи авлодда мустақил меҳнат қилиш, ўз меҳнати натижаларидан баҳрамандлик кайфияти, уларни ташаббусга, масъулиятни ҳис қилишга ундейди ва жамият равнақи йўлида муҳим ижтимоий масалани ҳал қилишга ҳисса қўшиди.

- дехқон ва фермер хўжаликлари ривожланиши қишлоқ жойларда бозорга хос бўлган инфратузилмалар ривожланишига туртки берди. Ҳозирда ўта содда бўлсада, воситачилик, таъминотчилик билан шуғулланувчи, турли хусусий транспорт хизматлари кўрсатувчи, қайта ишловчи хусусий шахс ва кичик корхоналар мақомидаги тизимлар юзага келди ва ривожланмоқда. Хусусий тармоқда даромадлар пайдо бўлиши давлат бюджети даромадлар қисмida ижобий ўзгаришлар юз беришига, қишлоқларда ижтимоий соҳа обьектлари сони кўпайишига

замин туғдирди ва ҳаказо.

Деҳқон ва фермер хўжаликларининг қатор ўхшашликлари мавжуд ва у асосан ишлаб чиқариш воситаларига мулкчилик шакли, эркинлик ва тадбиркорлик фаолияти билан белгиланади. Аммо муайян фарқлар ҳам мавжуд. Мехнатга қодир бўлган оила аъзоларининг меҳнати ишлаб чиқариш ва оладиган даромади миқдори, ер ўлчамлари, ҳукукий ёки жисмоний шахс мақоми, чорва моллари бош сонидаги фарқлар, ёлланма меҳнатдан фойдаланиш доираси ва бошқа ҳолатлар бўйича бир-биридан фарқ қиласди.

Юқоридаги таҳлиллар кўрсатишича, фермер хўжаликларининг йириклиниши, ихтисослашуви, уларнинг даромадлари ошишига, товарли хўжаликлар сифатида фаолият юритиб, деҳқонлар турмуш фаровонлигини ошириш имконини берувчи даромадларга эга бўлишади.

Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни амалга оширилиши жараёнида энг асосий масалаларидан бири деҳқоннинг ерга бўлган муносабатини ўзgartиришdir.

Тўплangan жаҳон тажрибаси ва қишлоқ хўжалиги амалиёти ҳолатини танқидий нуқтаи назардан таҳлил этилганда бугунги шароит аҳоли бандлиги, қишлоқдаги ортиқча меҳнат ресурсларини бўшатиш ва уларни иқтисодиётнинг барча тармоқлariга жалб қилиш, улардан самарали фойдаланиш масалаларини қайта кўриб чиқишини талаб этади.

Ушбу вазиятни бартараф этиш мақсадида маҳаллий ҳокимият идораларига янги иш ўринлари барпо этиш, қишлоқ хўжалигидан озод этилган аҳолини иш билан таъминлаш, уларга даромадлар олиш учун шароитлар яратиш вазифаси мавжуд қонунлар

билан юқлатилган бўлишига қарамасдан бу борада ишлар талабларга жавоб бермайди. Айниқса, ҳокимият идоралари томонидан қишлоқ хўжалигидан озод қилинган ишчиларни деҳқон хўжаликлида банд қилинганлиги тўғрисида ҳисоботлар бериши бизнингча фақат муаммодан қочишидир. Чунки, биринчидан деҳқон хўжаликлари ҳам қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ҳисоблананди. Демак қишлоқ хўжалигидан ортиқча ишчи кучлари озод этилгани йўқ. Иккинчидан, озодэтилганишчилар ҳамилгари деҳқон хўжаликлари билан шуғулланишган. Шу жиҳатдан қишлоқ хўжалигидан ортиқча ишга яроқли кишиларни бўшатиб, бошқа соҳага ўтказмасдан туриб, иқтисодий кўрсаткичларни яхшилашга, маҳсулот таннархини пасайишига ва даромадлар миқдорини оширишга эришиб бўлмайди.

Қишлоқ ижтимоий ривожланишини ва аҳоли даромадларини оширишни таъминлаш қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш билан боғлик:

- қишлоқ хўжалиги ва бошқа тармоқлар ўртача иш ҳақлари ўртасидаги тафовутларни қисқартириш:

- пиравард натижа ва деҳқонлар моддий манфаатдорлиги ўртасидаги бевосита боғлиқликни таъминлаш:

- деҳқонларнинг ёлланма ишчи сифатида фаолият кўрсатишига барҳам бериш ва уларда тадбиркорлик, ишбилармонлик ҳамда соҳибкорлик қобилияtlарини ривожлантириш:

- қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини босқичма-босқич эркинлаштириб бориш:

- қишлоқ хўжалигини донор-тармок вазифасидан озод қилиш ва х.к.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси ер ресурсларининг ҳолати тўғрисида Миллий ҳисобот. – Тошкент, 2018. – 101 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг ер фонди. 1990-2018 йиллар.
3. Б.Султанов, У.Садуллаев. Ерлардан самарали фойдаланиши. Ж. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. 2017.

№8. 25-б.